



## O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 17 » yanvar

№ 25

Toshkent sh.

### **Халқ таълими ходимларини узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқ таълими соҳасидаги илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб-кувватлаш ҳамда узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 25 январдаги ПҚ-4963-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Куйидагиларни назарда тутувчи **Халқ таълими ходимларини узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:**

халқ таълими ходимларини узлуксиз касбий ривожлантириш тизимининг тузилмаси (*Халқ таълими вазирлиги, Касбий малака ва билимларни ривожлантириши бўйича тармоқ кенгаши, халқ таълими тизимидағи ҳудудий бошқарув органлари, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим муассасалари, А.Авлоний номидаги Халқ таълими муаммоларини ўрганиши ва истиқболларини белгилаш илмий-тадқиқот институти, Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириши ҳудудий марказлари, нодавлат таълим ташкилотлари, педагогика йўналишидаги олий таълим муассасалари;*);

халқ таълими тизимидағи раҳбар, педагог ва мутахассис ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнига тингловчининг алоҳида ўқув модуллари бўйича ўқиши ва балларда ифодаланадиган ўзлаштиришини ўз ичига олган таълимнинг кредит-модуль тизимини жорий қилиш тартиби;

халқ таълими ходимларининг шахсий касбий салоҳиятининг индивидуал ва жамият эҳтиёжларига мос равишда ҳаёт давомида ўсиши жараёнини қамраб олган “Узлуксиз касбий таълим” маҳсус электрон платформаси орқали компетентлик даражасини ошириш ва касбий маҳоратини такомиллаштириш механизми;

узлуксиз касбий ривожлантириш тизимида тингловчиларнинг анъанавий малака ошириш билан бир қаторда касбий ўқитишининг уйғунлашган, иш жараёни билан биргаликда олиб бориладиган, масофавий ва бошқа турларини жорий этиш тартиби;

халқ таълими ходимларини узлуксиз касбий ривожлантириш курси битирувчисининг қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича умумий билим ва касб тайёргарлиги даражасига қўйиладиган талаблар;

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан амалга ошириладиган узлуксиз касбий таълимнинг сифатини баҳолаш ва назорат қилиш тартиби;

халқ таълими ходимлари малакасини ошириш фаолияти билан шуғулланадиган ихтисослашган таълим ташкилотлари реестрини юритиш тартиби.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 28 декабрдаги 1026-сон қарорига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Б.О. Саидов зиммасига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари котибиятига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил “17” январдаги 25-сон қарорига  
1-илова

**Халқ таълими ходимларини узлуксиз касбий ривожлантириш  
тизимини ташкил этиш тартиби тұғрисида**  
**НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом халқ таълими тизимидағи раҳбар, педагог ва мутахассис ходимлар (кейинги ўринларда – халқ таълими ходимлари/ходимлар)ни узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Халқ таълими ходимларини узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини ташкил этиш улардаги касб маҳорати ва малака савиясининг доимий ўсиши учун зарур шарт-шароитлар яратып, замонавий талабларга мувофиқ қайта тайёрлаш ва мунтазам равишда малака ошириб боришининг самарали механизмларини жорий этиш асосида мазкур ходимларнинг юқори савиядаги узлуксиз касбий тайёргарлигини таъминлашга йўналтирилган.

3. Ушбу Низомда қуидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**буортмачи** – Халқ таълими вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари, тизимида умумий ўрта, мактабдан ташқари таълим муассасалари мавжуд бўлган вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар, шунингдек, нодавлат умумтаълим ташкилотлари;

**ихтисослаштирилган таълим ташкилоти** – А.Авлоний номидаги Халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий-тадқиқот институти, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказлари, малака ошириш фаолияти билан шуғулланадиган нодавлат таълим ташкилотлари, педагог кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари;

**кредит** – тингловчининг алоҳида ўқув модули бўйича ўқиши ва ўзлаштириши учун сарфланадиган ва балларда ифодаланадиган, муайян ўқув модули бўйича белгиланган топшириқларни бажарип, тегишли назорат шаклидан муваффақиятли ўтгандан сўнг бериладиган ўқув юклamasи;

**малака талаблари** – касбий ривожланиш курси (ўқув модули) битирувчисининг умумий билим ва касбий тайёргарлиги даражасига қўйиладиган талаблар;

**мутахассислар** – халқ таълими ташкилотларида методист, дефектолог, логопед, психолог, кутубхоначи ва мутахассис лавозимларида фаолият кўрсатувчи шахслар;

**педагог ходимлар** – халқ таълими ташкилотларида таълим-тарбия фаолиятини амалга оширувчи ўқитувчи ва тарбиячилар;

**раҳбар ходимлар** – халқ таълими ташкилотлари ва уларнинг таркибий бўлинмаларида бошқарув функциялари ва вазифаларини бажарувчи шахслар ҳамда уларнинг ўринбосарлари, шунингдек, халқ таълими тизимидағи ҳудудий бошқарув органлари мутахассислари;

**тингловчи** – ихтисослаштирилган таълим ташкилотига қайта тайёрлаш ёки малака ошириш курсига қабул қилинган халқ таълими ходими;

**халқ таълими ходимларини узлуксиз касбий ривожлантириш** (кейинги ўринларда – узлуксиз касбий ривожлантириш) – шахс касбий салоҳиятининг индивидуал ва жамият эҳтиёжларига мос равишда ҳаёт давомида ўсиши жараёни;

**қайта тайёрлаш (малака ошириш) курси** – қайта тайёрлаш (малака ошириш)нинг тасдиқланган ўкув режаси ва дастурлари асосида ишлаб чиқилган машғулотлар тизими;

**ўкув модули** – нисбатан мустақил, мазмунан яхлит ўкув курси ёки таълим технологиясининг минимал ҳажмдаги таркибий бирлиги;

**“Узлуксиз касбий таълим” маҳсус электрон платформаси** (кейинги ўринларда – электрон платформа) – ўкув модуллари контентларини яратиш, сақлаш ва уларни таълим олувчиларга тақдим этиш, шунингдек, таълим олувчиларни рўйхатга олиш ва уларга ўкув модулларини онлайн тарзда ўзлаштириш имкониятини берувчи маҳсус электрон дастурий тизим;

**Халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш фаолияти билан шуғулланадиган нодавлат таълим ташкилотлари реестри** (кейинги ўринларда – Реестр) – халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш фаолияти билан шуғулланувчи нодавлат таълим ташкилотлари тўғрисидаги маълумотлар базасини ўз ичига олган электрон ахборот тизими.

## **2-боб. Узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мақсади ва асосий вазифалари**

4. Узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мақсади – ходимларнинг эгаллаб турган лавозимлари, мутахассислиги ёки дарс берадиган фанлари бўйича касбий ва педагогик маҳорати доимий равищда ўсиб боришини, уларнинг илғор педагогик ва ахборот технологиялари, шунингдек, ўқитишининг интерактив усуллари бўйича касбий билимлари, малака ва қўнималари мунтазам равищда янгилаб борилишини таъминлаш ҳамда уларни давлат таълим стандартлари, давлат таълим талаблари ва соҳага оид қонунчилик билан мунтазам таништириб боришдан иборат.

5. Узлуксиз касбий ривожлантиришнинг асосий вазифалари:

ходимларнинг доимий касбий ривожланиши учун кенг имкониятлар тақдим этадиган таълим муҳитини яратиш;

мустақил фикрлаш кўникмаларини сингдириш ва ходимларнинг қобилиятини ривожлантириш ҳамда янги билимлар бериш орқали ўз устида мустақил ишлаш ва креатив фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш;

ходимларнинг индивидуал касбий ривожланиш траекторияси асосида компетентлик даражасини ошириш ва касбий маҳоратини такомиллаштириш;

илғор педагогик ва ахборот технологиялари билан ишлаш бўйича амалий кўникмаларни шакллантириш;

умумий ўрта таълим сифатини оширишнинг асосий манбаи сифатида ходимларнинг касбий ривожланишини, ташаббускорлигини, илмий тадқиқотларга интилишини ва ижодий маҳоратини рағбатлантириш.

### **3-боб. Узлуксиз касбий ривожлантириш тизимишнинг тузилмаси**

6. Узлуксиз касбий ривожлантириш тизимиға қуйидагилар киради:

Халқ таълими вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик);

Касбий малака ва билимларни ривожлантириш бўйича тармоқ кенгashi;

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари (кейинги ўринларда – ҳудудий халқ таълими бошқармалари);

туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари;

умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим муассасалари;

А.Авлоний номидаги Халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий-тадқиқот институти (кейинги ўринларда – Институт);

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказлари (кейинги ўринларда – ҳудудий марказлар);

педагогика йўналишидаги олий таълим муассасалари;

малака ошириш фаолияти билан шуғулланадиган нодавлат таълим ташкилотлари.

#### **7. Вазирлик:**

халқ таълими ходимларини касбий ривожлантириш тизими мақсад ва вазифаларини амалга оширишни таъминлайди;

халқ таълими ходимларининг касбий маҳоратини оширишни ташкил этиш тартибини белгилайди;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини Давлат бюджетидан молиялаштириш чораларини кўради;

навбатдаги календарь йил учун малака оширишнинг режа кўрсаткичларини тасдиқлайди ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қиласди;

тизимдаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш фаолияти билан шуғулланувчи Институт ва ҳудудий марказлар фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг давлат таълим талабларини, малака ошириш курсларининг малака талабларини, ўқув режаси ва дастурларини тасдиқлайди;

тизимдаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини кўради;

тизимдаги қайта тайёрлаш ва малака оширишни амалга оширувчи таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш механизмларини, қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълими мазмуни ва сифатига қўйиладиган давлат таълим талабларини (кейинги ўринларда – давлат таълим талаблари), қайта тайёрлаш (малака ошириш) курси битирувчисининг умумий билим ва касб тайёргарлиги даражасига қўйиладиган малака талабларини, қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизими самарадорлигини аниқлайдиган динамик кўрсаткичларни белгилайди.

**8. Касбий малака ва билимлар бўйича тармоқ кенгаши:**

мехнат бозори мониторинги асосида халқ таълими ходимларининг билим ва малакаларга бўлган эҳтиёжлари ва тенденцияларни аниқлайди;

касбий стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштиради.

**9. Ҳудудий халқ таълими бошқармалари (буюртмачи):**

тизимдаги таълим муассасалари ходимларининг малака оширишга ўз вақтида ва тўла жалб қилинишини таъминлайди;

туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари томонидан навбатдаги календарь йилда ходимларни касбий ривожлантириш бўйича шакллантирилган буюртмаларни малака ошириш йўналишлари ва ташкилотлари бўйича гуруҳларга ажратган ҳолда умумлаштиради;

ходимларни касбий ривожлантириш бўйича умумлаштирилган буюртмаларни Вазирликка тақдим этади, шунингдек, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларининг электрон платформа билан ишлаш фаолиятини мувофиқлаштиради;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг ўқув режаси, дастури, ўқув-методик ва бошқа ҳужжатларини тайёрлаш, ўқув курсларининг давомийлиги ҳамда уларни ташкил этиш шакллари бўйича Вазирликка таклифлар киритади;

муайян мутахассисликка талаб ортиши муносабати билан айрим педагогларнинг қайта ихтисослашуви юзасидан Вазирликка таклифлар киритади.

**10. Туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари:**

ходимларнинг малака ошириш бўйича эҳтиёжларини ўрганади;

навбатдаги календарь йилда худуддаги ходимларни касбий ривожлантириш бўйича йўналишлар ва таълим муассасалари бўйича буюртмаларни шакллантиради ва худудий халқ таълими бошқармасига тақдим этади;

худуддаги таълим муассасалари ходимларининг малака оширишга ўз вақтида ва тўла жалб қилинишини таъминлайди;

ходимларнинг малака ошириш бўйича эҳтиёжларини ўрганган ҳолда электрон платформа орқали уларнинг индивидуал касбий ривожланиш траекториясини тузади;

ҳар бир ходимнинг узлуксиз касбий ривожлантириш бўйича фаолияти натижаларини тасдиқловчи маълумотлар (қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиганликлари ҳақидаги хужжатлар, муқобил малака ошириш натижалари бўйича маълумотлар) акс этган электрон шаклдаги хужжатлар мажмуаси – электрон портфолиосини шакллантиради ва унга ходимнинг индивидуал траекторияси, касбий ривожланиш натижалари ва ўзлаштирган ўкув дастурлари тўғрисидаги маълумотларни киритади;

ходимларнинг туман (шаҳар) миқёсидаги, шунингдек, мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасаларидаги узлуксиз малака ошириш тадбирларини ташкил қиласди;

ходимларнинг ишдан ажralмаган шаклдаги малака ошириш жараёнлари мониторингини олиб боради.

**11. Умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим муассасалари:**

педагог кадрларнинг меҳнат фаолиятини таҳлил қилиш асосида уларнинг касбий ривожланишга бўлган эҳтиёжларини аниқлади;

педагог кадрларнинг касбий ривожланишга бўлган эҳтиёжлари асосида уларга касбий ривожланишнинг турли шаклларидан фойдаланиш имкониятларини яратади;

педагог кадрларни касбий ривожланиш йўналишлари ва малака ошириш ташкилотлари тўғрисидаги маълумотлар билан таништиради;

педагог кадрнинг қачон, қаерда ва қайси йўналишда малака ошириши, касбий ривожланишга бўлган эҳтиёжи ҳақидаги маълумотларни туман (шаҳар) халқ таълими бўлимига тақдим этади;

таълим муассасасида узлуксиз касбий ривожлантириш бўйича турли тадбирларни амалга оширади;

педагог кадрнинг узлуксиз касбий ривожланиш натижаларини таҳлил қиласди.

**12. Институт** худудий марказлар учун бош таълим муассасаси хисобланади ҳамда уларнинг ўкув, методик ва илмий фаолиятига раҳбарлик қиласди.

Институт:

халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини илмий-методик жиҳатдан таъминлайди, фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар ўтказади, тадқиқот натижаларини амалиётга кенг жорий этади;

умумий ўрта таълимнинг долзарб муаммолари юзасидан тизимли асосда илмий-тадқиқот дастурлари ва лойиҳаларини амалга оширади, илмий, илмий-амалий конференциялар, семинарлар, йигилишлар ташкил этади;

докторантурा йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича юқори малакали кадрларни тайёрлайди, илмий ходимларнинг касбий даражасини доимий ошириб боради, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлайди, раҳбар кадрлар ва методистларнинг малакасини оширади;

умумий ўрта таълим соҳасидаги илғор тажрибаларни ўрганади ва мамлакатимизда жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади, хорижий мамлакатларнинг етакчи илмий-тадқиқот муассасалари билан халқаро алоқаларни ривожлантиради;

умумий ўрта таълимни ташкил этишининг янги технологиялари, воситалари ва шаклларини ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш ва экспертиза қилишда иштирок этади;

келажак мактаби, унинг раҳбари ва ўқитувчининг моделини яратиш асосида халқ таълими ходимларининг касбий стандартларини ишлаб чиқади ва доимий тарзда ривожлантириб боради, илмий-тадқиқот фаолиятининг таълим жараёни билан алоқаларини мустаҳкамлайди;

халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш фаолияти билан шуғулланаётган нодавлат таълим ташкилотлари учун намунавий ўқув режаси, дастур, ўқув-методик ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш, шунингдек, курсларнинг ўқув-услубий таъминотини доимий янгилаб боришга кўмаклашади;

«Узлуксиз касбий таълим» маҳсус электрон платформани юритиши ташкил қиласди, малака ошириш ташкилотлари билан биргаликда қайта тайёрлаш ҳамда малака ошириш курслари ўқув модуллари контенти марказлаштирилган тарзда ишлаб чиқилиши ва платформага киритилишини таъминлайди.

### 13. Ҳудудий марказлар:

тегишли ҳудудлардаги умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим муассасалари педагог ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга ихтисослаштирилган ўқув муассасаси ҳисобланиб, шу йўналишдаги ўқув, илмий ҳамда ташкилий-методик ишларни амалга оширади;

педагогика, психология, ўқув фанлари ва уларни ўқитиши методикасининг мамлакатимиздаги ва жаҳондаги энг янги ютуқларини мунтазам равишда ўрганиш ҳамда тарғиб қилишни, шунингдек, замонавий

ахборот ва педагогик технологияларнинг педагоглар томонидан чукур ўзлаштирилишини таъминлайди;

педагог ва мутахассис ходимларнинг ўз касбий малакаларини такомиллаштиришга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш мақсадида қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг илғор шакл ва усулларини жорий этади;

худуддаги таълим муассасалари педагог ходимларини узлуксиз касбий ривожлантириш бўйича буюртмалар асосида навбатдаги календарь йил учун тегишли (курслар, ўкувлар, семинарлар, конференциялар ва бошқа) тадбирлар режасини шакллантиради;

педагог ва мутахассис ходимларни ҳамкорликда ўқитиш учун олий ва умумий ўрта таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари ва марказлари билан шартномалар тузади;

ўкув режаси ва ўкув дастурлари асосида ишчи ўкув режасини ҳамда ишчи ўкув дастурларини ишлаб чиқади;

худуддаги эҳтиёждан келиб чиқсан ҳолда алоҳида курсларни ташкил этиш учун, белгиланган тартибда тасдиқлатиш шарти билан, ўкув режаси ва ўкув дастурларини ишлаб чиқади;

халқ таълими ходимларини касбий ривожлантириш бўйича ташкил қилинган тадбирлар натижалари электрон платформага киритилишини таъминлайди;

худудий марказда, олий таълим муассасалари ва нодавлат таълим ташкилотларида ташкил қилинган групкалар ҳақида ҳар ойлик ҳисоботларни шакллантиради ва Институтга тақдим этади.

**14. Педагогика йўналишидаги олий таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотлари:**

тегишли худудлардаги умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим муассасалари педагог ва мутахассис ходимлари малакасини ошириш ишларини ташкил қиласди;

педагогика, психология, ўкув фанлари ва уларни ўқитиш методикасининг мамлакатимиздаги ва жаҳондаги энг янги ютуқлари, шунингдек, замонавий ахборот ва педагогик технологияларнинг педагоглар томонидан чукур ўзлаштирилишини таъминлайди;

педагог ва мутахассис ходимларнинг ўз касбий малакаларини такомиллаштиришга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш мақсадида малака оширишнинг илғор шакл ва усулларини жорий этади;

худуддаги таълим муассасалари педагог ходимларини узлуксиз касбий ривожлантириш бўйича буюртмалар асосида малака ошириш курсларини шакллантиради;

ўкув режаси ва ўкув дастурлари асосида ишчи ўкув режасини ҳамда ишчи ўкув дастурларини ишлаб чиқади;

халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш натижалари электрон платформага киритилишини таъминлайди;

ташкил қилинган гурӯҳлар ҳақида ҳар ойлик хисоботларни шакллантиради ва тегишли ҳудудий марказга топширади.

#### **4-боб. Узлуксиз касбий ривожлантириш курсларининг тингловчилари**

15. Узлуксиз касбий ривожлантириш курсларининг тингловчилари ихтисослаштирилган таълим ташкилотидаги ўқув-лаборатория, ахборот-ресурс марказлари, соғломлаштириш ва майший хизмат кўрсатиш шохобчаларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

16. Узлуксиз касбий ривожлантириш курси тингловчиси қуйидаги сабабларга кўра тингловчилар сафидан четлаштирилади:

ўқув интизомини ва ихтисослаштирилган таълим ташкилотининг ички тартиб-қоидаларини бузганлиги учун;

қайта тайёрлаш курсидаги дарс машғулотларини узрли сабабларсиз 36 соат, малака ошириш курсларида – 6 соат дарс қолдиргани учун;

саломатлиги туфайли (тиббий комиссия маълумотномаси асосида);

tinglovchiga nisbatan суднинг ҳукми асосида;

қайта тайёрлашда шартнома асосида ўқитиш учун белгиланган миқдордаги тўловни ўз вақтида амалга оширганлиги учун;

вафот этганлиги сабабли.

17. Тингловчи қайта тайёрлаш ёки малака ошириш курсидан четлатиш тўғрисида қарор чиқарилган қундан бошлаб уч кун ичida унга четлатиш сабаблари кўрсатилган ҳолда маълумотнома берилади, шунингдек, бу ҳақида уни малака оширишга юборган буюртмачига тегишли ихтисослаштирилган таълим ташкилоти томонидан маълум қилинади.

18. Малака ошириш курсидан четлатилган тингловчи буюртмачи томонидан унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши тартибида бир ойдан сўнг қайта малака оширишга юборилади.

19. Ходим асосий иш жойи бўйича белгиланган муддатда (жорий йил давомида) малака ошириш курсларидан узрли сабабларсиз ўтмаган тақдирда, у билан тузилган меҳнат шартномаси амал қилиш муддатидан қатъи назар, белгиланган тартибида икки ой мобайнида бекор қилинади. Мазкур ходимнинг таълим муассасасида ўз лавозимидағи фаолиятини давом эттириши учун ихтисослаштирилган таълим ташкилоти билан бевосита тузилган шартнома асосида ўз малакасини оширган бўлиши талаб қилинади.

#### **5-боб. Узлуксиз касбий ривожлантириш шакллари**

20. Узлуксиз касбий ривожлантиришда таълим олишнинг қуйидаги шаклларидан фойдаланилади:

ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олиш;

ишлиб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олиш;  
масофавий таълим;  
дуал таълим;  
мустақил таълим;  
малака оширишнинг муқобил шакллари.

21. Узлуксиз касбий ривожлантириш курсларидағи ўқув жараёни ихтисослаштирилган таълим ташкилоти раҳбари томонидан тасдиқланадиган машғулотлар жадвали асосида олиб борилади. Аудитория машғулотларининг барча турлари учун 80 дақиқа давом этадиган дарс жуфтлиги белгиланади.

22. Узлуксиз касбий ривожлантириш курсларидағи ўқув машғулотлари:  
маъруза, амалий машғулот, лаборатория иши, семинар, тажриба алмашиш дарси, тренинг, интерфаол машғулотлар ва бошқа шаклларда олиб борилади;

тасьикиланган ўқув режалари ҳамда дастурларига мос равища тузилган ва бир нечта ўқув фани модулларини ўз таркибиға олган ишчи ўқув режалари асосида ташкил этилади.

### **1-§. Ишлиб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олиш**

23. Ишлиб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олиш (кундузги) – ходимларнинг ўз иш жойларидан тўла ажралган тарзда ихтисослаштирилган таълим ташкилотларида ўқишини назарда тутади.

Таълим олишнинг мазкур шакли кўчма (ходимларнинг яшаш ҳудудида) ва стажировка тарзида ҳам ташкил этилиши мумкин.

24. Кўчма шаклда таълим олиш ихтисослаштирилган таълим ташкилотлари томонидан тингловчиларнинг яшаш ҳудудида ташкил этиладиган ўқув машғулотлари ҳисобланади.

25. Стажировка (тажриба орттириш) шаклида таълим олиш таълим ташкилотларида (олий таълим ташкилоти, малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаси, илмий-тадқиқот институти ва бошқалар) ёки таълимни бошқарув органларида (вазирлик, давлат ташкилотлари ёки вазирлик тизимидағи бошқа ташкилотларда) хизмат сафариға юбориш тарзида амалга оширилади.

Ходимларнинг хорижда тажриба орттириши хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотларнинг грантлари, шунингдек, хорижий таълим муассасалари билан тузилган шартномалар асосида амалга оширилади.

26. Стажировка якунида ходимларга стажировка муддати кўрсатилган ҳолда уларнинг стажировкадан ўтганлиги тўғрисида тажриба орттирилган ташкилот томонидан маълумотнома берилади.

Маълумотнома электрон тарзда ҳам тақдим этилиши мумкин.

27. Ходимнинг стажировкаси тегишли ихтисослаштирилган таълим ташкилотининг таълим дастурлари асосида тузилган индивидуал касбий

ривожланиш траекторияси асосида ташкил этилган бўлса, ходимга белгиланган ҳажмдаги кредит баллари берилиши мумкин.

## **2-§. Ишлаб чиқаришдан ажralмаган ҳолда таълим олиш**

28. Ишлаб чиқаришдан ажralмаган ҳолда таълим олиш ходимларнинг ўз меҳнат фаолиятидан бўш вақтида (ўқувчиларнинг таътили, ўқитувчиларнинг методика кунлари ёки бошқа ҳолларда) ихтисослаштирилган таълим ташкилотида, шунингдек, ходимларнинг бевосита иш жойида амалга оширилади.

Ишлаб чиқаришдан ажralмаган ҳолда таълим олиш масофавий шаклда ҳам амалга оширилиши мумкин.

## **3-§. Масофавий таълим**

29. Масофавий таълим ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ таълим олувчилар томонидан зарур билим, малака ва кўникмаларни ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб олишни назарда тутади.

Масофадан ўқитиши шакли бўйича малака оширишда дарс машғулотлари профессор-ўқитувчининг тингловчилар билан интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали интерактив дастурий тизимлардан фойдаланган ҳолда (реал вақт режимида) жонли мулоқот тарзида амалга оширилади.

Машғулотларнинг бир қисми тингловчилар билан контакт-сессиялар (аудиториядаги юзма-юз мулоқот) тарзида амалга оширилиши мумкин.

30. Масофадан ўқитиши шакли бўйича ўқитиши жараёнида тингловчилар фаолияти назорати, таълим жараёнини мувофиқлаштириш ва бошқариш ихтисослаштирилган таълим ташкилоти томонидан амалга оширилади.

31. Масофадан туриб амалга ошириладиган ўқув курси дастурини тўлиқ ўзлаштирган тингловчиларга белгиланган ҳажмдаги кредит баллари берилади.

## **4-§. Дуал таълим**

32. Дуал таълим ўқув курсининг назарий қисмини тингловчи томонидан ихтисослаштирилган таълим ташкилотида, амалий қисмини эса иш жойида амалга оширишни назарда тутади.

Дуал таълим шаклида амалга ошириладиган ўқув курси дастурини тўлиқ ўзлаштирган тингловчиларга белгиланган ҳажмдаги кредит баллари берилади.

## **5-§. Мустақил таълим**

33. Мустақил таълим ходимлар томонидан ўз лавозими ва мутахассислиги бўйича янги билим, кўникма ва малакаларни таълим олувчи томонидан тузилган узлуксиз касбий таълим траекторияси асосида мустақил ўзлаштиришни назарда тутади.

34. Ходимнинг касбий эҳтиёжларига кўра мустақил малака ошириши электрон платформа орқали амалга оширилади.

Ходимнинг касбий лаёқати ва салоҳияти давлат таълим талаблари, малака талаблари ва касбий стандартлар асосида тайёрланган назорат

материалларидан фойдаланган ҳолда электрон платформа орқали диагностика қилинади.

Диагностика натижаларига кўра аниқланган касбий эҳтиёжлар асосида ходимнинг индивидуал касбий ривожланиш траекторияси тузилади.

Ходимнинг индивидуал касбий ривожланиш траекториясига мос равища ходим томонидан ўзлаштирилиши тавсия этиладиган ўқув модуллари мажмуаси аниқланади ва ходим мазкур мажмууга киритилган ўқув модулларини мустақил ўзлаштиради.

35. Мустақил таълимда курснинг давомийлиги академик соатларда белгиланади, курснинг амалдаги давомийлиги тингловчининг ўқув модулларини ўзлаштиришига боғлиқ бўлади.

36. Электрон платформа ҳар бир ўқув модули таълим олувчи томонидан ўзлаштирилишини назорат қиласи, баҳолайди ва ўзлаштирилган модуллар бўйича кредит балларни жамлаб боради.

#### **6-§. Малака оширишнинг муқобил шакллари**

37. Ходимлар малакасини оширишнинг муқобил (таълим дастурларисиз малака орттириш) шакллари қўйидагилардан иборат:

дарсликка муаллифлик қилиш;

докторлик илмий даражасини олиш учун диссертацияни ҳимоя қилиш;

халқаро ва республика миқёсидаги илмий анжуман (семинар, конференция, симпозиум ва бошқа)ларда маъруза билан иштирок этиш;

илмий-тадқиқот натижалари асосида халқаро индексацияланган базаларда (Scopus, Web of Science) эътироф этилган журналларда мақола нашр этиш.

Рўйхати Вазирлик томонидан тасдиқланадиган бошқа фаолиятлар.

38. Узлуксиз касбий ривожлантириш тизимида муқобил малака ошириш шаклларининг рўйхати уларга бериладиган кредит баллари кўрсатилган ҳолда Вазирлик томонидан тасдиқланади.

39. Муқобил малака ошириш шаклларида шуғулланиш натижалари (кредит баллари) узлуксиз касбий таълимнинг натижаларини умумлаштиришда ҳисобга олинади.

#### **6-боб. Узлуксиз касбий ривожлантириш турлари**

40. Узлуксиз касбий ривожлантириш қайта тайёрлаш ва малака ошириш орқали амалга оширилади.

Ходимларни қайта тайёрлашнинг мақсади – меҳнат бозори, шахс, давлат ва жамиятнинг ўзгарувчан эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда халқ таълими тизимида фаолият олиб бораётган олий маълумотли, лекин тегишли педагогик ёки касбий маълумотга эга бўлмаган ходимларнинг қўшимча ихтисослик бўйича касбий билим ва кўникмаларини мавжуд давлат таълим стандартлари ёки давлат таълим талаблари асосида шакллантиришдан иборат.

Ходимлар малакасини оширишнинг мақсади – ходимларнинг малака даражасига ортиб бораётган талаблар ва касбий фаолиятни амалга оширишнинг замонавий усулларини ўзлаштириш зарурати билан боғлик ҳолда назарий ва амалий билимларини янгилашдан иборат.

### **1-§. Ходимларни қайта тайёрлаш**

41. Ходимларни қайта тайёрлаш янги лавозимга тайинлаш ёки мутахассисликнинг малака таснифига мувофиқ кейинчалик профессионал фаолиятнинг янги турини бажариш мақсадида янги касбий билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришга йўналтирилади.

42. Қайта тайёрлашнинг асосий турлари:

- педагогик қайта тайёрлаш;
- касбий қайта тайёрлаш.

43. Педагогик қайта тайёрлаш – олий таълим муассасаларининг нопедагогик йўналишларини битирган мутахассисларнинг базавий касбий маълумотини таълимнинг тегишли тури Давлат таълим стандарти (Давлат таълим талаблари) билан белгиланадиган ўқув-тарбия жараёнининг талаб этиладиган сифатини таъминлайдиган даражада педагогик фаолиятни юритиш учун зарур ва етарли бўлган педагогик тайёргарлик талабларига мувофиқлаштириш мақсадида мутахассисларни ўқитиши.

44. Касбий қайта тайёрлаш (ихтисослашув) – олий педагогик маълумотли мутахассислар томонидан таълимнинг тегишли тури Давлат таълим стандарти (Давлат таълим талаблари) билан белгиланадиган ўқитишининг талаб этиладиган сифатини таъминлайдиган даражада ўқув фани ёки курс бўйича педагогик фаолиятни юритиш учун зарур ва етарли ҳамда янги касбий билимлар, малака ва кўникмаларни ўзлаштириш.

Педагогик маълумотга эга бўлмаган бошқа соҳа мутахассисларига педагогик фаолият олиб бориши учун соҳасига мос фандан касбий ҳамда педагогик қайта тайёрлашдан ўтиши талаб қилинади.

45. Раҳбар ходимларни қайта тайёрлаш Вазирлик ёки халқ таълими худудий бошқарув органлари буюртмаларига биноан амалга оширилади.

Таълим муассасаларининг раҳбарлик лавозимига тайинлаш учун захирага олинган ёки раҳбарликка янги тайинланган ходимлар қайта тайёрлов курсларига жалб этиладилар.

46. Педагог ҳамда мутахассис ходимларни қайта тайёрлаш, ўқув режаларига янги ўқув фанлари ёки курслар жорий этилиши, буюртмачилар ёки меҳнат бозорининг талаблари билан белгиланадиган айрим педагог ҳамда мутахассисларнинг қайта ихтисослашуви ёки янги мутахассисликка эга бўлиши муносабати билан юзага келган эҳтиёжларга кўра ташкил этилади.

Вақтинча ишламайдиган педагоглар ҳам ўз хоҳишига кўра қайта тайёрлаш курсларида ўқиши мумкин.

47. Педагог ва мутахассис ходимларни қайта тайёрлаш уларнинг эҳтиёжлари ва мурожаатларига биноан тўлов шартномалари асосида ташкил

етилади. Тўловлар қайта тайёрлаш курси тингловчиси ёки ҳомий (юридик ёки жисмоний шахслар)лар томонидан шартномада кўзда тутилган муддатлар ва миқдорларда амалга оширилади.

48. Қайта тайёрлаш буюртмачининг якка тартибдаги топшириғи ёки аниқ йўналтирилган дастури асосида, давлат таълим талаблари, шунингдек таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган дастурлар бўйича амалга оширилади.

Қайта тайёрлашга иккинчи олий таълимни олиш сифатида қаралмайди, қайта тайёрлаш натижасида бериладиган ҳужжат (диплом) фақат муайян лавозимда фаолият кўрсатиш ёки муайян фанлар бўйича ўкув машғулотлари олиб бориш ҳуқуқини беради.

49. Ходимларни қайта тайёрлаш Вазирлик томонидан тасдиқланадиган ўкув режалари ва ўкув дастурлари бўйича амалга оширилади. Ўкув юкламасини режалаштиришда тингловчиларнинг мустақил ишлашига алоҳида эътибор қаратилади.

50. Қайта тайёрлаш дастурларини ўзлаштириш муддати ўкув режасига киритилган фанлар сони ҳамда уларнинг юкламалари ҳажмидан келиб чиқиб белгиланади ва у камида 576 соатни ташкил қиласди. Аудитория машғулотлари ҳафталик юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 36 соат этиб белгиланади.

51. Қайта тайёрлаш курслари ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олиш, масофавий таълим ёки дуал таълим шакллари орқали амалга оширилиши мумкин.

Бунда, курсларнинг камида бир ойи, яъни 144 соати бевосита ихтисослаштирилган таълим ташкилотида ўtkазилиши шарт.

52. Қайта тайёрлаш курсларини амалга оширувчи ихтисослаштирилган таълим ташкилотлари қайта тайёрлаш курсларини ташкил этишда куйидагиларни амалга оширади:

буюртмачилар эҳтиёжи ва якка шахсларнинг мурожаатларига кўра қайта тайёрлаш курсларига буюртмаларни шакллантиради;

қайта тайёрлаш курсларида ўқиш истагини билдирган талабгор-tinglovchilarга доир ҳужжатларни (фамилияси, исми ва отасининг исми, қачон ва қайси олий таълим муассасасини битирганлиги, диплом бўйича мутахассислиги, қайта тайёрлаш йўналишига мослиги) тўлиқ ўрганади ва тегишли холосани тайёрлайди;

қайта тайёрлаш курслари учун таянч ўкув режаси ва ўкув дастурлари асосида ўкув-методик материаллар (ишчи ўкув режаси, ишчи дастурлар, ўкув-методик мажмуалар)ни тайёрлайди.

53. Қайта тайёрлаш курслари етарли илмий-педагогик ва моддий-техник базага эга ихтисослаштирилган таълим ташкилоти томонидан ташкил этилади.

Ихтисослаштирилган таълим ташкилоти раҳбари қайта тайёрлаш курслари белгиланган талаблар ва тартибга қатъий риоя қилган ҳолда ташкил этилиши юзасидан шахсан жавобгар ҳисобланади.

54. Қайта тайёрлаш жараёнида гурухдаги курс тингловчиларининг сони 25 нафардан ошмаслиги лозим.

55. Қайта тайёрлаш курсларидағи ўқув жараёни таянч ўқув режаларига мос равишда тузилган ва ҳар бири бир нечта ўқув фани модулларини ўз таркибига олган блоклардан иборат ишчи ўқув режалари асосида ташкил этилади.

56. Қайта тайёрлаш курсларидан ўтувчи ходимлар ихтисослаштирилган таълим ташкилоти раҳбарининг буйруғи билан тингловчилар сафига қабул қилинади.

57. Қайта тайёрлаш курси тингловчиси курснинг ўқув режасида кўзда тутилган барча назорат турларида (оралиқ, якуний ва бошқалар) ижобий натижа кўрсатса, курснинг ўқув дастури тўлиқ ўзлаштирилган ҳисобланади. Оралиқ назорат топшириқларини муваффақиятли бажарган тингловчи якуний назоратга қўйилади.

58. Оралиқ назоратларда етарли балл тўплай олмаган тингловчига 1 ой муддат давомида қайта топширишга имконият берилади. Белгиланган муддатларда оралиқ назоратни қайта топшира олмаган тингловчи тингловчилар сафидан чиқарилади.

59. Якуний аттестацияни ўтказиш учун ихтисослаштирилган таълим ташкилоти раҳбари тегишли буйруқ билан якуний аттестация комиссиясини ташкил этади.

Якуний аттестация якуний назорат синовлари ва битирув ишини ҳимоя қилиш орқали ўтказилади. Якуний назорат синовларидан муваффақиятли ўтган тингловчиларга битирув ишини ҳимоя қилишга рухсат берилади.

60. Якуний аттестациядан мувафаққиятли ўтган тингловчиларга давлат намунасидаги ҳужжат (диплом) берилади.

61. Якуний аттестация синовларида етарли балл тўплай олмаган ёки узрли сабабларга кўра (мехнатга лаёқатсизлик, ҳомиладорлик, туғиш ҳамда болани парвариш қилиш таътили, хизмат сафарида бўлиш ва бошқалар) қатнаша олмаган тингловчиларга бир йил давомида қайта топширишга имконият берилади. Агар навбатдаги курслар бир йил мобайнида ташкил этилмаса, алоҳида якуний аттестация комиссияси тузилиши мумкин.

62. Якуний аттестация синовларини қайта топшириш натижалари салбий бўлган тақдирда, тингловчига курсни тугатганлик тўғрисида маълумотнома берилади ва бир йил давомида тўлов-шартнома асосида қайта топширишга рухсат берилади.

## 2-§. Ходимларнинг малакасини ошириш

63. Ходимларнинг малакасини ошириш халқ таълими ҳудудий бошқарув органлари ёки бевосита Вазирликнинг буюртмаларига биноан ихтисослаштирилган таълим ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

64. Малака ошириш ихтисослаштирилган таълим ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган ва белгиланган тартибда тасдиқланган табақалаштирилган ишчи ўқув дастурлари бўйича амалга оширилади.

65. Ходим унинг меҳнат таътили ёки вақтинча меҳнатга қобилиятсизлиги даврида малака оширишга жалб қилинмайди.

66. Ходимларнинг ҳар йили белгиланган давомийликдаги малака ошириш дастурларини ўзлаштириши ва белгиланган ҳажмдаги кредит балларини йиғишлари мажбурий ҳисобланади.

67. Ходимлар малакасини оширишнинг ҳар йилги умумий давомийлиги халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимлари учун камида 30 соат, педагог ходимлар учун камида 36 соат этиб белгиланади.

68. Реестр орқали ҳар йили 5 октябрда навбатдаги календарь йилда ташкил этиладиган малака ошириш курслари ҳақидаги маълумотлар курсларни ташкил қиласиган ихтисослаштирилган таълим ташкилотлари ҳамда электрон платформа бўйича барча ходимлар эътиборига ҳавола қилинади.

69. Халқ таълими ташкилотининг ҳар бир ходими, жорий йилнинг 6 октябридан 15 октябрига қадар, ўз эҳтиёжи ва ихтиёридан келиб чиқиб, навбатдаги календарь йилда малака оширадиган ихтисослаштирилган таълим ташкилотини танлайди.

Унга кўра, реестрда ходим фаолият кўрсатадиган таълим муассасасининг навбатдаги календарь йил учун малака оширишга бўлган буюртмаси шаклланади. Бунда, халқ таълими ташкилоти раҳбари ҳар бир ходимнинг мазкур буюртмага киритилишини шахсан таъминлайди ва назорат қиласиган.

70. Реестрда шаклланган буюртмада ходимнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, диплом бўйича мутахассислиги, иш жойи, лавозими, дарс берадиган фани, танлаган малака ошириш курси ва ихтисослаштирилган таълим ташкилоти кўрсатилади.

71. Жорий йилнинг 25 октябригача туман (шаҳар) халқ таълими бўлими томонидан тизимдаги барча таълим муассасалари ходимларининг навбатдаги календарь йил учун малака оширишга бўлган буюртмалари ихтисослаштирилган таълим ташкилотлари ҳамда электрон платформа бўйича умумлаштирилади ва рақамли режа шаклида тегишли ҳудудий халқ таълими бошқармасига тақдим этилади.

Бунда, туман (шаҳар) халқ таълими бўлими раҳбарияти тизимдаги барча халқ таълими муассасалари ҳамда халқ таълими бўлимида асосий штатда

фаолият кўрасатаётган ҳар бир ходимнинг малака ошириш бўйича тегишли буюртмага киритилишини таъминлайди ва назорат қиласи.

72. Ҳудудий халқ таълими бошқармалари томонидан туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларининг навбатдаги календарь йил учун малака оширишга бўлган эҳтиёжлари буюртма кўринишида ихтисослаштирилган таълим ташкилотлари ҳамда электрон платформа бўйича умумлаштирилади ва ракамли режа шаклида жорий йилнинг 5 ноябрига қадар Институтга тақдим этилади.

Ҳудудий халқ таълими бошқармалари раҳбарияти ўз ҳудудларидағи барча халқ таълими муассасалари, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари ва ҳудудий халқ таълими бошқарув органида фаолият кўрасатаётган ҳар бир ходимнинг мазкур буюртмага киритилишини таъминлайди ва назорат қиласи.

73. Институт томонидан мазкур буюртмалар асосида халқ таълими ходимларининг ҳудудлар, ихтисослаштирилган таълим ташкилотлари ва электрон платформа бўйича тақсимоти (кейинги ўринларда – тақсимот) шакллантирилади ва 15 ноябрга қадар Вазирликка тасдиқлаш учун тақдим этилади.

Мазкур тақсимот Вазирлик томонидан 5 декабрга қадар тасдиқланади ва Институт томонидан Реестрга жойлаштирилади.

74. Ихтисослаштирилган таълим ташкилотлари тақсимот асосида малака ошириш курсларини ташкил этиш бўйича ўзларининг режаларини ишлаб чиқади ва буюртмачиларга етказилишини таъминлайди.

75. Буюртмачилар (ҳудудий халқ таълими бошқарув органлари, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари ва таълим муассасалари) Реестрдаги тақсимот ва ихтисослаштирилган таълим ташкилотларининг малака ошириш курсларини ташкил этиш бўйича режаларига биноан тизимларидаги таълим муассасалари раҳбар, педагог ва мутахассис ходимларининг тегишлилиги бўйича ихтисослаштирилган таълим ташкилотларига ўқишга белгиланган муддатда етиб боришлини таъминлайди.

76. Малака оширишга юборилган ходим ихтисослаштирилган таълим ташкилоти раҳбарининг буйруғи билан тингловчилар сафига қабул қилинади. Тингловчилар гуруҳини шакллантириш, курснинг ўқув режаси ва дастурларини ишлаб чиқишида ходимларининг базавий маълумоти, мутахассислиги, тоифаси ва эгаллаб турган лавозимлари, шунингдек, касбий эҳтиёжлари ҳисобга олинади.

77. Малака ошириш курсларидаги ўқув жараёнлари курсларга жалб этилган ходимлар 25 нафар тингловчидан иборат ўқув гуруҳларига бўлинган ҳолда ташкил этилади.

Тингловчилар контингентини бир гуруҳ меърида шакллантириб бўлмайдиган алоҳида йўналишлар бўйича ўқув жараёнини ташкил этишда, истисно тариқасида, Вазирликнинг рухсати билан бир гуруҳдаги тингловчилар сони камида 15 нафар этиб белгиланиши мумкин.

78. Малака ошириш курсларини ташкил қилиш, уларни талаб даражасида ўтказиш, таълим самарадорлигини таъминлаш ҳамда тингловчиларнинг яшashi учун шарт-шароитлар яратиш (ихтисослаштирилган таълим ташкилотида тингловчилар турар жойи мавжуд бўлса) масъулияти тегишли таълим ташкилоти раҳбари зиммасига юклатилади.

79. Малака ошириш курси тингловчиси курснинг ўкув режасида назарда тутилган барча назорат турларида ижобий натижа кўрсатса, курснинг ўкув дастури тўлиқ ўзлаштирилган ҳисобланади.

80. Назоратларда етарли балл тўплай олмаган тингловчига курс давомида қайта топширишга имконият берилади.

81. Малака ошириш курси дастурини тўлиқ ўзлаштирган тингловчиларга курсни ташкил қилган таълим муассасаси томонидан давлат намунасидаги электрон генерация қилинган ва электрон имзо ёки унинг муқобил шаклдаги хужжатни тасдиқловчи воситалар (QR-код, штрихкод) билан тасдиқланган хужжат (сертификат) берилади.

82. Ҳар бир ходим ҳақидаги малака ошириш курси бошланган кун, тугалланган кун, тўпланган кредитлар ва курсни тамомлаганлик ҳақидаги хужжат (сертификат) бўйича маълумотлар ихтисослаштирилган таълим ташкилоти томонидан электрон платформага киритилади.

Мазкур маълумотлар ўз вақтида, аниқ ва тўлиқ киритилиши учун ихтисослаштирилган таълим ташкилоти раҳбари шахсан масъул ҳисобланади.

### **7-боб. Электрон платформа орқали малака ошириш**

83. Узлуксиз касбий ривожлантиришни таъминлаш учун электрон платформадан фойдаланилиши мумкин.

84. Электрон платформа барча халқ таълими ходимларини узлуксиз касбий ривожлантиришга доир маълумотлар ўзида жамлаб борилишини таъминлайди.

85. Электрон платформанинг тузилиши, электрон платформага халқ таълими ходимлари ҳақидаги маълумотларни киритиш, қайта ишлаш ва фойдаланиш тартиби Вазирлик томонидан белгиланади.

Электрон платформада халқ таълими ходимларининг электрон портфолиоси шакллантирилади.

86. Узлуксиз касбий ривожлантириш курслари ўкув режаси ва дастурлари таркибига кирувчи ўкув модулларини мустақил ўзлаштириш бўйича интерактив ўкув мажмуалари ҳам электрон платформага жойлаштирилади.

87. Таълим олувчи ходим узлуксиз касбий ривожлантириш курслари ўкув режаси ва дастурлари таркибига кирувчи ҳар бир ўкув модулини ўқиб ўзлаштиради, ўкув модули бўйича назорат ишларини бажаради ва электрон платформа томонидан баҳоланади (кредит баллари кўйилади).

88. Узлуксиз касбий ривожлантириш курслари ўқув режаси ва дастурлари таркибиغا кируди ҳар бир ўқув модулини муваффақиятли ўзлаштирган ва назорат топшириқларини бажарган ходимнинг барча кредит баллари жамланади ҳамда унга курсни муваффақиятли тугатганлиги ҳақида давлат намунасидаги электрон генерация қилинган ва электрон имзо ёки унинг муқобил шаклдаги хужжатни тасдиқловчи воситалар (QR-код, штрих код) билан тасдиқланган хужжат (сертификат) шакллантирилади.

89. Ҳар бир ўқув модули ёки курсни муваффақиятли ўзлаштирганлик ҳақида маълумотлар ходимларнинг электрон портфолиосида акс эттирилади.

#### **8-боб. Узлуксиз касбий ривожлантириш натижаларини жамлаш ва баҳолаш**

90. Ҳар бир халқ таълими ходимининг узлуксиз касбий ривожлантириш жараёнида тўплаган кредит баллари электрон платформа томонидан қўшиб чиқилади ва натижаси унинг шахсий кабинетида акс эттирилади, шунингдек, буюртмачи – халқ таълими худудий бошқарув органлари эътиборига ҳавола қилинади.

91. Белгиланган меъёрдан кам бўлмаган кредит баллари тўплаган ходимларга жорий йил учун узлуксиз касбий ривожлантириши муваффақиятли амалга оширгани тўғрисида сертификат шакллантирилади ва ходимнинг шахсий кабинетига жойлаштирилади.

92. Ҳар ойнинг 1-кунида халқ таълими ходимининг узлуксиз касбий ривожланиши ҳолати электрон платформа томонидан мониторинг қилинади ва натижалари худудлар, туман (шаҳар)лар ҳамда ихтисослаштирилган таълим ташкилотлари бўйича шакллантирилади.

93. Мониторинг натижалари узлуксиз касбий ривожлантириши бошқариш ва мавжуд муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун хизмат қиласи.

94. Мониторинг натижасида ўтган ойда малака ошириш курсларини тугатган ҳар бир ходим ҳақида маълумотлар кўрсатилган ва электрон имзо ёки унинг муқобил шаклдаги хужжатни тасдиқловчи воситалар (QR-код, штрих код) билан тасдиқланадиган рўйхат шакллантирилади.

Мазкур рўйхат халқ таълими ходимининг узлуксиз касбий ривожланиши ҳолати ҳақида маълумот берувчи асосий манба ҳисобланади.

#### **9-боб. Узлуксиз касбий ривожлантириш сифатини баҳолаш ва назорат қилиш**

95. Узлуксиз касбий ривожланиши сифати улар тайёргарлигининг зарур ва етарли даражаси, улардаги билим ва амалий маҳоратнинг мазкур ходимларга қўйиладиган малака талабларига мувофиқлиги билан белгиланади.

96. Ихтисослаштирилган таълим ташкилотларининг узлуксиз касбий ривожлантириш бўйича фаолияти сифатини назорат қилиш Таълим сифатини

назорат қилиш давлат инспекцияси, Вазирлик (Институт ва ҳудудий марказлар) ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (педагогика йўналишидаги олий таълим муассасалари) томонидан амалга оширилади.

97. Таълим сифатини назорат қилишда тегишли ихтисослаштирилган таълим ташкилотларида ҳалқ таълими ходимларини касбий ривожлантириш сифатини назорат қилиш ҳамда мунтазам равишда малака ошириш дастурлари асосида таълим беришнинг самарадорлиги баҳоланади ва дастурларни такомиллаштириш бўйича чоралар кўрилади.

98. Реестрга киритилган ихтисослаштирилган таълим ташкилотлари томонидан ўтказилган малака ошириш курсларининг самарадорлиги, тингловчиларнинг якуний назорат синовларини ўтказиш ва баҳолаш Вазирлик томонидан ташкил этилиши мумкин.

Вазирлик мазкур синовларни ўтказиш бўйича ихтисослаштирилган ташкилотни белгилайди.

Бунда, якуний назорат натижасида малака ошириш курс тингловчиларининг камидаги 70 фоизи ижобий баҳолангандан (максимал баллнинг камидаги 56 фозини тўплаган) тақдирда, курсдаги таълим сифати ижобий деб топилади. Акс ҳолда малака ошириш курси сифатсиз ташкил этилган ҳисобланади.

Малака ошириш курси сифатсиз ташкил этилган деб топилган ихтисослаштирилган таълим ташкилоти Реестрдан чиқарилади.

#### **10-боб. Узлуксиз касбий ривожлантириш курсларини тамомлаганлик тўғрисидаги давлат намунасидаги ҳужжатлар**

99. Узлуксиз касбий ривожлантириш бўйича таълим дастурлари талабларини муваффақиятли бажарган тингловчиларга тегишли равишда давлат намунасидаги қўйидаги ҳужжатлар:

малака ошириш тўғрисидаги сертификат – белгилангандан кредит балларини жамгаргандан сўнг;

қайта тайёрлаш тўғрисидаги диплом – камидаги 576 соат ҳажмда таълим дастурларини муваффақиятли ўзлаштиргандан сўнг, якуний аттестация натижасига кўра берилади.

100. Узлуксиз касбий ривожлантириш дастурини ўзлаштирганлик тўғрисидаги диплом ва сертификатларнинг электрон реестри юритилади.

Диплом ва сертификатларни расмийлаштириш тартиби Вазирлик томонидан тасдиқланади

#### **11-боб. Ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган талаблар**

101. Узлуксиз касбий ривожлантириш тизимида таълим жараёнининг мазмуни ва сифатига қўйиладиган давлат таълим талаблари “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конуни ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланади ҳамда уларда таълим жараёнини ташкил

этишни, унинг мазмунини, методик таъминлашни, сифат ва самарадорлигини оширишни такомиллаштиришга доир талаблар қўйилади.

102. Давлат таълим талаблари Вазирлик томонидан ишлаб чиқилади ва белгиланган тартибда тасдиқланади.

103. Давлат таълим талаблари асосида халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш (малака ошириш) курси битирувчисининг умумий билим ва касбий тайёргарлиги даражасига қўйиладиган малака талаблари ишлаб чиқилади ва Вазирлик томонидан тасдиқланади.

104. Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш (малака ошириш) курси битирувчисининг умумий билим ва касбий тайёргарлиги даражасига қўйиладиган малака талаблари тегишли йўналишлар бўйича курсларнинг ўкув режалари ва дастурларини шакллантириш, шунингдек, ўкув жараёнини ва таълим сифатини назорат қилиш тартибини ва бошқа хужжатларни ишлаб чиқиш учун асос ҳисобланади.

105. Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш таълимининг ўкув режаси ва дастурлари етакчи олимлар, мутахассислар, профессор-ўқитувчилар ҳамда методистлар таркиби томонидан тингловчиларнинг эҳтиёжларини ўрганиш (педагогик диагностика) натижалари асосида тузилади ва таълим жараёнини методик таъминлашнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

106. Қуйидагилар қайта тайёрлаш ва малака ошириш бўйича таълим дастурлари мазмунига қўйиладиган базавий талаблар ҳисобланади:

касблар ва лавозимларга бўлган касбий малака талабларига мувофиқлиги;

таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини билишга, таълим турлари ва босқичлари бўйича давлат таълим талаблари (давлат таълим стандарти)нинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлашга, тингловчиларнинг касбий билимларини янгилаш ва чукурлаштиришга, янги, қўшимча касбий малака ва кўникмаларни ҳосил қилишга, таълим-тарбиянинг самарали усуслари ҳамда технологияларини эгаллаш ва такомиллаштиришга қаратилганлиги;

замонавий ахборот технологияларидан фойдалана олишни назарда тутиш;

давлат таълим талаблари ҳажм ва мазмунининг қайта тайёрлаш ҳамда малака ошириш муддатларига мувофиқлиги.

107. Қайта тайёрлаш бўйича таълим дастури тегишли базавий мақсадлар ва мазмунга мос битирув иши билан тугалланади.

## **12-боб. Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш фаолияти билан шуғулланадиган ихтисослаштирилган таълим ташкилотлари реестрини юритиш**

108. Педагог кадрлар тайёрлайдиган олий таълим ташкилотлари ва нодавлат таълим ташкилотларининг халқ таълими ходимлари малакасини

ошириш билан боғлиқ харажатларини Давлат бюджети ҳисобидан қоплаб бериш учун Вазирлик томонидан Реестр шакллантирилади ва у бир йил муддатта амал қиласади.

109. Реестр Вазирлик томонидан тасдиқланади ва ҳар йили янгиланиб борилади.

110. Қуйидагилар тұғрисидаги маълумотлар Реестрга тұғридан-тұғри киритилади:

Институт;

худудий марказлар;

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг расмий мурожаати асосида педагог кадрлар тайёрлайдиган олий таълим ташкилотлари.

111. Нодавлат таълим ташкилоти халқ таълими ходимлари малакасини оширганлиги учун Давлат бюджетидан маблағлар олиш учун Реестрда белгиланған шаклдаги сўровномани тұлдиради.

Сўровномада нодавлат таълим ташкилоти номи, ташкилий-хуқуқий шакли, жойлашған жойи (почта манзили), таълим фаолиятини амалга ошириш жой(лар)ининг манзили, банк муассасасининг номи ва банқдаги ҳисобварағи, Реестрга киритилаётган малака ошириш курслари йўналишлари, сўровномани тўлдирган ва уни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми ҳамда лавозими кўрсатилади.

Сўровномани Вазирликка юборишдан олдин нодавлат таълим ташкилоти халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш курсларини ташкил этиш талаблари ва шартларига риоя қилишга розилиги, томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарлиги ва бошқа ҳолатларни назарда тутувчи оммавий оферта билан танишиб, уни тасдиқлайди.

112. Оммавий офертани тасдиқлаш Вазирлик ва нодавлат таълим ташкилоти ўртасида шартнома тузилишига тенгглаштирилади ҳамда талаблар ва шартларга тўлиқ амал қилишга розилигини билдиради.

113. Сўровномага қуйидаги хужжатлар электрон тарзда илова қилинади:

малака ошириш курсларида ўқув машғулотларини олиб борувчи педагог кадрлар тұғрисида маълумот (уларнинг паспорти нусхаси ёки идентификация ID-картаси, олий таълим муассасасини тамомлаганлиги ёки илмий даражасы тұғрисидаги диплом нусхаси, меҳнат дафтарчасининг тасдиқланған нусхаси);

малака ошириш курси ўқув режаси ва дастурларининг электрон нусхалари;

ёнғин ва санитария-эпидемиология назорати органлари томонидан мавжуд бинолар ва хоналарнинг ёнғин хавфсизлиги талабларига ва санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига мувофиқлиги тұғрисидаги хulosалар.

114. Қуйидаги ҳолатларда ихтисослаштирилған таълим ташкилотининг Реестрга киритиш бўйича мурожаатига рад жавоби берилиши мумкин:

ёнғин хавфсизлиги талабларига ва санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига мувофиқлиги түғрисидаги хulosалар салбай бўлганда;

сўровномага нодавлат ташкилот түғрисидаги маълумотлар тўлик киритилмагандаги ёки сохта маълумотлар тақдим этилганда.

115. Вазирлик Реестрга киритиш ёки Реестрга киритишни рад этиш бўйича қарорни нодавлат таълим ташкилотига Реестр орқали етказади.

### **13-боб. Узлуксиз касбий ривожлантириши молиялаштириш**

116. Узлуксиз касбий ривожлантириш тизимида Институт, ҳудудий марказлар, педагог кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотлари томонидан ҳалқ таълими ходимларининг малакасини ошириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Вазирликка ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

117. Давлат бюджети маблағларидан самарали фойдаланиш мақсадида Вазирлик томонидан ҳалқ таълими ходимлари малакасини ошириш фаолияти билан шугулланаётган ихтисослаштирилган таълим ташкилотларининг электрон реестри (кейинги ўринларда – Реестр) юритилади.

118. Педагог кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари ҳамда Реестрга киритилган ихтисослаштирилган таълим ташкилотларининг ҳалқ таълими ходимлари малакасини ошириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш ҳар бирида 25 нафар тингловчи бўлган гуруҳда малака ошириш курсининг якуни бўйича гуруҳдаги тингловчилар курсни мувафақиятли тугатиб тегишли сертификатга эга бўлган ҳар бир тингловчи учун амалга оширилади.

Бунда, педагог кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари ҳамда Реестрга киритилган нодавлат таълим ташкилотлари билан Вазирлик ўртасида тўғридан-тўғри тузиладиган шартномалар асосида тўловлар амалга оширилади.

119. Институт ҳар йили 15 ноябрга қадар келгуси йилда ҳудудий малака ошириш марказлари, олий таълим муассасалари ҳамда Реестрга киритилган нодавлат таълим ташкилотларида малака оширадиган ҳалқ таълими ходимларининг ҳудудлар бўйича тақсимотини тасдиқлаш учун Вазирликка тақдим этади ва тасдиқланган тақсимот асосида келгуси йил учун педагог кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари ҳамда Реестрга киритилган нодавлат таълим ташкилотларида малака оширадиган тингловчилар учун тегишли маблағлар режалаштирилади.

120. Педагог кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари ҳамда Реестрга киритилган нодавлат таълим ташкилотларида малака оширадиган тингловчилар учун маблағлар алоҳида ғазна ҳисобварағида юритилади.

121. Бир нафар тингловчи учун тўланадиган маблағ миқдори Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлиги томонидан кейинги молия йили бошланишидан олдин ходимларнинг малака ошириши учун сарфланган ўртacha харажатдан келиб чиқиб белгиланади.

122. Молия йили давомида қонунчилик хужжатларига мувофиқ иш ҳақи миқдорлари ва шартлари ўзгарган ҳолларда бир нафар тингловчи учун сарфланадиган харажатлар миқдори Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлиги томонидан қайта кўриб чиқилиши мумкин.

123. Институт педагог кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари ҳамда Реестрга киритилган нодавлат таълим ташкилотларида ҳақиқатда малака оширган ва белгиланган тартибда сертификатга эга бўлган тингловчилар тўғрисидаги маълумотларни навбатдаги ойнинг 3-кунига қадар тегишли маблағ тўланиши юзасидан Вазирликка мурожаат қиласиди.

124. Мурожаатга қўйидагилар илова қилинади:

халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш курсларини ташкил этган педагог кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари ҳамда Реестрга киритилган нодавлат таълим ташкилотларининг номи, жойлашган жойи (почта манзили) ва ташкилий-хукуқий шаклини тасдиқловчи гувоҳнома, банк реквизитлари;

ҳақиқатда малака оширган ва сертификатга эга бўлган тингловчиларнинг тасдиқланган рўйхати;

педагог кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари ҳамда Реестрга киритилган нодавлат таълим ташкилотлари бўйича уларга тўланиши лозим бўлган тегишли ҳисоб-китоблар билан биргаликда маблағларга буюртма.

125. Маблағ ажратиш учун тақдим этилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва тўғрилигига Институт жавобгар ҳисобланади.

126. Тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг сохталиги аниқланганда, педагог кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари ҳамда Реестрга киритилган нодавлат таълим ташкилотларининг халқ таълими ходимлари малакасини ошириш бўйича ҳукуқи бекор қилинади ҳамда ортиқча олинган маблағлар қонунчиликда белгиланган тартибда бюджеттга қайтарилади.

127. Педагог кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари ҳамда Реестрга киритилган нодавлат таълим ташкилотларида ҳақиқатда малака оширган тингловчилар сони ҳар ой якуни бўйича уларда малака оширилиши режалаштирилган тингловчилар сонидан кам бўлган ҳолларда ушбу тингловчилар учун режалаштирилган маблағлар Вазирлик томонидан худудий малака ошириш марказларига йўналтирилади.

128. Институтда ҳамда худудий марказларда бир нафар ўқитувчи ҳисобига тўғри келадиган тингловчилар нисбатининг чекланган нормативлари олий таълим муассасалари учун белгиланган бир нафар ўқитувчи ҳисобига

талабалар сони нисбатининг чекланган нормативларидан 25 фоиз паст этиб белгиланади.

129. Институт ҳамда худудий марказларнинг сақлаш билан боғлиқ барча харажатлари уларнинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб Вазирликка республика бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида молиялаштирилади.

130. Ихтисослаштирилган таълим ташкилотларига ишдан ажралган ҳолда малака оширишга юборилган тингловчиларнинг ўқиши даврида асосий иш жойи бўйича лавозими ва ўртacha иш ҳақи сақланиб қолади, уларнинг ўқув юкламалари эса бошқа педагог ходимлар ўртасида тақсимланади.

Ишдан ажралган ҳолда малака ошириш учун бошқа худудлардан юборилган тингловчиларга қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ўқишга бориш ва ундан қайтиш бўйича бир марталик йўл ҳақи харажатлари уларни юборган томон ҳисобидан қопланади.

#### **14-боб. Якунловчи қоидалар**

131. Давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши юзасидан назорат Вазирликнинг Ички аудит ва молиявий назорат бошқармаси, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа назорат органлари томонидан амалга оширилади.

132. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил “17” январдаги 25-сон қарорига  
2-илова

**Вазирлар Маҳкамасининг “Педагог ходимларни қайта тайёрлаш  
ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари  
тўғрисида” 2017 йил 28 декабрдаги 1026-сон қарорига  
киритилаётган ўзгартиришлар**

**1. 1-банднинг иккинчи хатбоиси ўз кучини йўқотган деб  
хисоблансин.**

**2. 5-банднинг биринчи хатбоиси қуидаги таҳрирда баён этилсин:**

“Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, тизимида мактабгача таълим ташкилотлари бўлган вазирликлар ва идоралар ҳар йили 15 ноябргача мактабгача таълим ташкилотларида фаолият юритаётган педагог ходимларнинг эгаллаб турган лавозимига қараб курслардан ўтиши бўйича белгиланган даврийликни инобатга олган ҳолда, кейинги календарь йилда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидағи малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида ўқишига юбориладиган тингловчилар контингентини шакллантиради ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига тақдим этади”.

**3. Қарорга 3-илова (Мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим муассасаларининг педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тўғрисидаги низом) да:**

а) илованинг номидаги “, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим муассасаларининг” сўzlари “таълим ташкилотларининг” сўzlари билан алмаштирилсин;

б) 1 ва 29-бандлардаги “, умумий ўрта, мактабдан ташқари таълим муассасалари” сўzlари “таълим ташкилотлари” сўzlари билан алмаштирилсин;

в) 2-бандда:

“, умумий ўрта, мактабдан ташқари таълим муассасалари” сўzlари “таълим ташкилотлари” сўzlари билан алмаштирилсин;

“Халқ таълими вазирлиги ва” сўzlари чиқариб ташлансин;

г) 3-банддаги “таълим муассасаларининг” сўzlари “мактабгача таълим ташкилотларининг” сўzlари билан алмаштирилсин;

д) 5-бандда:

иккинчи хатбоидаги “давлат тасарруфидаги мактабгача, умумий ўрта, мактабдан ташқари таълим муассасалари” сўzlари “давлат мактабгача таълим ташкилотлари” сўzlари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“буюртмачи – Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, тизимида мактабгача таълим ташкилотлари мавжуд бўлган вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар, шунингдек, нодавлат таълим ташкилотлари”;

бешинчи хатбошидаги “мактабгача, умумий ўрта, мактабдан ташқари таълим муассасаларининг” сўзлари “мактабгача таълим ташкилотларининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“педагог ходим – давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида таълим-тарбия фаолиятини амалга оширувчи педагог кадрлар”;

е) 7-банднинг ўнинчи хатбошидаги “, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим муассасалари” сўзлари “таълим ташкилотлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) 8-бандда:

иккинчи хатбошидаги “Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги” сўзлари “Халқ таълими вазирлиги ва Мактабгача таълим вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти таркибида мактабгача таълим ташкилотлари педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнларини такомиллаштириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш (кейинги ўринларда – Мувофиқлаштирувчи кенгаш”);

бешинчи хатбошидаги “Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети” сўзлари “Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти” сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбоши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

еттинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

з) 9-банддаги “Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги” сўзлари “Халқ таълими вазирлиги ва Мактабгача таълим вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

и) 10-банднинг иккинчи ва тўртинчи хатбошилардаги “, умумий ўрта ҳамда мактабдан ташқари таълим муассасалари” сўзлари “таълим ташкилотлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

й) 11-банднинг иккинчи хатбошидаги “, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим муассасалари” сўзлари “таълим ташкилотлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

к) 12-банднинг биринчи хатбошидаги “Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети” сўзлари “Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти” сўзлари билан алмаштирилсин;

л) 13-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

м) 14-банда:

иккинчи, учинчи, олтинчи ва еттинчи хатбошилардаги “халқ таълими” сўзлари “мактабгача таълим” сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги “халқ таълими муассасалари” сўзлари “мактабгача таълим ташкилотлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

н) 24-банднинг учинчи хатбошисидан ва 28-банддан “олий таълим муассасаси ва” сўзлари чиқариб ташлансин;

о) 38-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“38. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқув машғулотларининг қуйидаги асосий турлари қўлланилади: маъруза, амалий машғулот, интерактив семинарлар, тренинг, қўчма машғулот, тажриба алмасиш, мустақил ўқиши, битирув малакавий ишини (курсни тугатиш ишини) ҳимоя қилиш.

Айрим ўқув машғулотлари мактабгача таълим ташкилоти базасида ташкил этилади.”;

п) 48-банднинг иккинчи хатбошисидан “олий таълим муассасаси орқали” сўзлари чиқариб ташлансин;

р) 59-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

с) 74-банднинг иккинчи хатбошисидан “олий таълим муассасаси ректори билан келишган ҳолда” сўзлари чиқариб ташлансин;

т) 80-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“80. Педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимида таълим жараёнининг мазмуни ва сифатига қўйиладиган малака талаблари “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конунига мувофиқ белгиланади ва уларда таълим жараёнини ташкил этишни, унинг мазмунини, методик таъминлашни, сифат ва самарадорлигини оширишни такомиллаштиришга доир талаблар қўйилади.”.

